

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

МУМИНОВА ДИНАРА РАМИЗУЛЛАЕВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ
ЭЪТИҚОДИ ВА АМАЛИЁТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ
БОЛАЛАРДА ДАСТЛАБКИ САВОДХОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Муминова Динара Рамизуллаевна

Мактабгача таълим ташкилотларида педагогларнинг эътиқоди ва амалиётини баҳолаш тизими орқали болаларда дастлабки саводхонликни ривожлантириш.....3

Муминова Динара Рамизуллаевна

Развитие ранней грамотности у детей через систему оценки убеждений и практики педагогов в дошкольном образовании.....23

Muminova Dinara Ramizullaevna

Improving children's emergent literacy through a system of assessing teachers' beliefs and practices in preschool education.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

МУМИНОВА ДИНАРА РАМИЗУЛЛАЕВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ
ЭЪТИҚОДИ ВА АМАЛИЁТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ
БОЛАЛАРДА ДАСТЛАБКИ САВОДХОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси В2020.4.PhD/Ped.2056 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.
Диссертация уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (mdo.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашурова Санобар Юлдашевна
педагогика фанлари номзоди, профессор.

Расмий оппонентлар:

Исмадияров Яшин Уткирович
педагогика фанлари доктори, доцент.

Таджиева Мухаббат Хайдаралиевна
педагогика фанлари номзоди.

Етакчи ташкилот:

Тошкент шаҳридаги Пучон университети

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 илмий Кенгашнинг 2022 йил «9 март 10:00» соатдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64 уй). Тел: (99871) 150-01-27; факс (99871) 150-01-27; email: info@mdomoi.uz.

Диссертация билан Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. 82 рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64 уй). Тел: (99871) 150-01-27; факс (99871) 150-01-27; e-mail: info@mdomoi.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» феврал куни тарқатилди.
(2022 йил «24» феврал даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Т. Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.С. Шарипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD), доцент

Ф.Р. Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациисига аннотация)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом, ақлан етук, саводли ва маънавий жиҳатдан шаклланган этиб вояга етказиш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Япония, Жанубий Корея, Германия каби давлатларда мактабгача таълим тизимида болада эрта саводхонликка оид нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича махсус таълим дастурлари жорий этилган. Мактабгача таълимнинг асосий вазифаларидан бири саводхонликка оид кўникмаларни мактабгача бўлган кичик даврдан бошлаб ривожлантиришдан иборатдир. Жаҳон Банки мактабгача таълим тизими педагоглари компетенцияларини баҳолашда замонавий усулларни қўллаш эҳтиёжи борлигини таъкидламоқда. Саводхонликка оид кўникмаларни болага ўргатишда ва уни саводхон шахс сифатида шакллантиришда педагоглар эътиқоди ва амалиётларини баҳолаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дунёда, хусусан, Жанубий Корея, Норвегия, АҚШ каби давлатларда мактабгача таълим тизимида эрта саводхонликни педагогларнинг эътиқоди ва амалиётларини баҳолаш орқали ривожлантириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида кичик ва ўрта ёшдаги болаларда расмий саводхонликдан олдин ривожланадиган эрта саводхонликни ўзига хос жиҳатларини ривожлантириш, педагогларни компетенцияларини баҳолашда замонавий методларини тадбиқ этишда эътиқодларни таҳлил қилиш каби инновацион ёндашув ва тажрибаларни амалда синаб кўриш орқали педагогларни касбий фаолиятга тайёргарлик даражаларини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимини яхлит узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида янада такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал ривожлантирувчи замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий этишга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. «Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, болаларнинг сифатли мактабгача таълим билан қамровини ошириш, мактабгача таълим тизимида инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада инновацион ёндашувлар асосида хусусан педагогларнинг эътиқодларини таҳлил қилишга асосланган эрта саводхонликни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, халқаро тажрибалардан фойдаланиб узлуксизликка асосланган эрта саводхонликнинг ривожлантириш концепциясини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 22 декабрдаги 802-сон «Мактабгача таълим ва тарбиянинг Давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан-техникасини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эрта ривожланиш масалаларини ўрганиш, мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёнларини ривожлантириш муаммолари Ф.Р.Қодирова, П.Ю.Супова, Н.Ш.Абдуллаева, Д.А.Абдурахимова, З.Ф.Азизова, Д.Р.Бабаева, Г.А.Бердалиева, М.М.Бердиева, Г.М.Назирова, И.И.Туйчиева, Н.И.Режаметова, М.Х.Таджиева, Ф.Н.Вахабова, Г.Э.Джанпеисова, Ш.Содиқова, Д.Ж.Шарипова, Ш.Шодмонова ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш борасидаги тадқиқодларни Р.Х.Джураев, У.Ш.Бегимкулов, Н.А.Муслимов, С.Т.Тургунов, Г.Х.Ибрагимова, У.И.Иноятов, Д.Т.Кенжаева, Я.У.Исмадияров, М.Т.Мирсолиева, М.А.Умаралиева, М.Т.Хамдамова олиб борганлар.

МДХ мамлакатлари олимларидан ўқиш ва адабиётга оид эмпирик ижтимоий тадқиқодларнинг методологик муаммолари Б.В.Дубин, Л.Д.Гудков, А.И.Рейтблатом, Н.А.Стефановская, В.Д.Стельмах ишларида ўрганилган. Эрта саводхонлик замонавий босқичда энг чуқур тарзда социолог ва психологлар В.П.Чудинова, Е.И.Голубева, Н.Г.Малахова, О.Л.Кабачек томонидан ўрганилмоқда. Ғарб олимларидан эрта саводхонликни болаларга иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган давлатларда таъсирини W.Barnett ўрганган. D.Cunningham мактабгача таълим ташкилотлари билан эрта саводхонликни ўрганган. E.Djonov, J.Torr, M.Stenglin эрта саводхонликни ривожлантириш мақсадида болалар кутубхоналарини ривожланишига хисса қўшганлар. МТТ ни баҳолаш ва сифатини оширишга оид L.Espinosa тадқиқодлари ва эрта саводхонликни ривожлантиришда педагогларнинг эътиқод ва амалиётларини баҳолаш борасидаги A.Hindman, B.Wasik, D.Kagan

тадқиқодлари кенг оммалашган. Ундан ташқари эрта саводхонликка оид тадқиқодлар билан шуғулланувчи S.Chalebardi, L.Foote, C.Snow, E.Sulzby, W.Teale, H.Mills, J.Clyde, Munez, Zhang, G.Whitehurts, S.Valencia, P.Pearson, S.Neuman ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг, Республика таълим марказининг илмий – тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 2019 йил 10 декабрда №591 – рақам билан рўйхатга олинган «Умумий ўрта таълимнинг сифатини ошириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқоднинг мақсади болаларда дастлабки саводхонликни шакллантиришга қаратилган педагогларнинг эътиқоди ва амалиёти соҳасидаги компетенцияларни ривожлантириш ва баҳолаш методларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқоднинг вазифалари:

мактабгача таълим ташкилотларида «эрта саводхонлик», «педагог эътиқоди», «педагог амалиёти» тушунчаларининг ҳолати ва халқаро амалиёт билан қиёсий таҳлил қилиш;

мактабгача таълим педагогларининг эътиқод ва амалиётларини баҳолашнинг устуворлигини асослаш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

кичик ва ўрта мактабгача ёшдаги болаларда эрта саводхонликни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини аниқлаш учун педагогларнинг эътиқодлари ва амалиётларини баҳолаш воситасини ишлаб чиқиш;

педагогларининг эътиқодлари асосида мактабгача ёшдаги болаларда эрта саводхонликни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

кичик ва ўрта мактабгача ёшдаги болаларда эрта саводхонликни ва мактабгача таълим педагогларининг амалиётларини ривожлантиришнинг асосий методик шартларини аниқлаш.

Тадқиқоднинг объекти сифатида мактабгача таълим ташкилотлари педагогларнинг эътиқоди ва амалиёти соҳасидаги компетенцияларни ривожлантириш жараёни белгиланган.

Тадқиқоднинг предметини мактабгача таълим ташкилотлари педагогларнинг эътиқоди ва амалиёти соҳасидаги компетенцияларни ривожлантириш ва баҳолашнинг шакл, метод, воситалари ташкил этади.

Тадқиқоднинг усуллари. Тадқиқотда назарий (аналитик-синтетик, қиёсий-солиштирув, аналогия), диагностик (сўровлар, тестлар, кузатишлар, лойиҳалаштириш усуллари), прогностик (эксперт баҳоси, мустақил баҳолашларни умумлаштириш) каби адекват ўрганишга қаратилган усуллар мажмуасидан, педагогик эксперимент ва математик экспериментлар (маълумотларни статистик таҳлил қилиш, натижаларнинг график тасвири ва бошқалар)дан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эрта саводхонликни ривожлантириш жараёни модели кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун табиий саводхонлик муҳити(literacy environment)ни педагог устахоналаридан фойдаланган ҳолда яратишнинг педагогик ва дидактик шартлари(literacy in play, library games)ни белгилаш ҳамда эрта саводхонликка таъсир этувчи фонологик қобилиятларни ривожлантириш, майда моторика, саводхонликка ажратилган вақт сифати каби омиллар (factor analysis)ни аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

болаларда китобхонликни ривожлантиришда ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш технологиялари медиакоммуникация (mediaccontent), ота-она ва педагог фаолияти (parent-teacher community), ота-оналарни мактабгача таълим ташкилоти фаолиятига уйда китобхон муҳитини яратиш ҳамда эрта саводхонликка оид волонтерлик(parents volunteering) фаолиятига ота-она билан китоб соати, ота-оналар китобхон гуруҳларини ташкил этиш орқали жалб қилиш (parents involving), болага китоб ўқиш бериш юзасидан ота-онани ҳафталик маълумот алмашинуви тарғиботига ундаш асосида мактабгача ёшдаги болаларда дастлабки саводхонликни ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган;

болаларда эрта саводхонликни ривожлантиришда педагогларнинг эътиқоди ва амалиётини диагностика қилиш (Belief and Practice Diagnostics) усуллари баҳолаш воситаси «Preschool Literacy Survey» билан «лайкерт» жавоблар тизимини икки томонлама таржима (face validity) ҳамда ички мутаносиблик (internal validity) ёрдамида локализация қилиш орқали такомиллаштирилган;

«Эрта саводхонлик» (Emergent literacy), «Педагогнинг эътиқоди» (Teacher's Beliefs) ва «Педагогнинг амалиёти» (Teacher's Practice) каби тушунчаларнинг мазмуни кичик ва ўрта мактабгача ёшдаги болаларда «Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмалари»ни унинг нейрофизиологик ривожланишига асосланган ҳолда шакллантириш шартлари асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкилотларида педагогларнинг эрта саводхонликни ривожлантиришга доир фаолиятини ташкил этишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

педагогларнинг эрта саводхонликни ривожлантиришга доир касбий компетенцияларини педагогик-психологик омиллари аниқлаштирилган, ҳамда педагогларнинг эътиқоди ва амалиётини тарбиявий фаолиятда қўллаш самарадорлигини баҳолашнинг диагностик аппарати такомиллаштирилган;

тарбияланувчиларда эрта саводхонликни ривожлантиришга йўналтирилган, нейрофизиологик ва психологик тадқиқотларга асосланган китобхонликни ривожлантиришнинг педагогик усуллари ва шакллари ишлаб чиқилган;

тарбияланувчида эрта саводхонликни ривожлантиришга ва баҳолашга йўналтирилган шакл ва методлари мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари учун мўлжалланган - Мактабгача таълим ташкилотларида

китобхонликни ривожлантириш методикаси (гувоҳнома №2-3-2020) ўқув қўлланма мазмунига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилаётган ёндашув ва усулларнинг илмий-услубий асослилиги, расмий манбалардан олинган назарий маълумотлардан фойдаланилганлиги, тақдим этилган таҳлилнинг самарадорлиги, математик-статистик таҳлил орқали тажриба-синов ишлари олиб борилганлиги, амалиётга хулосалар, таклифлар ва тавсиялар киритилганлиги билан, шунингдек тавсияларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда эрта саводхонликни шакллантириш муаммоси бўйича хорижий ҳамда маҳаллий тажрибалар, илмий манбаларнинг назарий таҳлилларига асосланганлиги, кенг қамровли экспериментлар натижаларининг илмий таҳлилларига асосланганлигида ўз аксини топган бўлиб, тадқиқот материалларидан мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга оид тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабгача таълим ташкилотларида ўтказиладиган машғулотларда, педагогларнинг кичик ва ўрта мактабгача ёшдаги болаларда эрта саводхонликни шакллантириш муаммоларини аниқлашда ва баҳолашда, мактабгача таълим ташкилотларида китобхонликни ривожлантиришда, мактабгача таълим тизимида фаолият кўрсатаётган тарбиячиларнинг малака ошириш курсларида, мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари учун семинар-тренинглар ташкил этишда самарали қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача таълим ташкилотларида педагогларнинг эътиқоди ва амалиётини баҳолаш тизими орқали болаларда дастлабки саводхонликни ривожлантириш бўйича олинган амалий натижалари асосида:

мактабгача ёшдаги болаларда нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини шакллантиришда, эрта саводхонлик (Emergent literacy), педагогнинг эътиқоди (Teacher's Beliefs), педагогнинг амалиёти (Teacher's Practice) мазмунини аниқлашга оид тавсиялардан Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятида мактабгача таълим педагоглари касбий ривожлантириш, янги инновацион, психологик ва замонавий педагогик ёндашувларга асосланган халқаро миқёсда тан олинган технологияларни ўзлаштиришда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 03-03/2-3649-сон маълумотномаси). Натижада эрта саводхонликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлашга, педагогларнинг касбий ривожланишининг замонавий талабларини белгилашга хизмат қилган;

китобхонликни ривожлантиришда ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш технологияларини такомиллаштириш орқали мактабгача ёшдаги болаларда нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини шакллантириш ва эрта саводхонликни ривожлантириш методикаси мактабгача таълим ташкилотлари

педагоглари учун мўлжалланган «Мактабгача таълим ташкилотларида китобхонликни ривожлантириш методикаси» (гувоҳнома №2-3-2020) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 03-03/2-3649-сон маълумотномаси). Натижада педагогларнинг эътиқоди, уларда эрта саводхонликни ривожлантириш бўйича амалиётларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга эришилган;

эрта саводхонликни ривожлантириш учун табиий муҳитни яратишда «3+» ёш категориясини амалга киритиш, «Менинг биринчи ўқиш китобим» китоблар сериясини ишлаб чиқишга оид тавсиялар ва ишланмалардан мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари учун нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган махсус адабиётлар яратишда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 03-03/2-3649-сон маълумотномаси). Натижада табиий саводхонлик муҳитини шакллантириш имкониятлари кенгайтирилган;

педагогларнинг эътиқоди ва амалиётини диагностика қилиш (Belief Diagnostics) усуллари, диагностика воситаси (Preschool Literacy Survey) асосида педагогларнинг эътиқодлари ва амалиётларини замонавий концепцияларга мувофиқлиги ҳамда биргаликда ўқиш сифатини баҳолаш кўрсаткичлари ва воситалари юзасидан олинган хулосалар Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 03-03/2-3649-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур баҳолаш индекаторлари мактабгача таълим педагогларининг касбий компетенцияларини баҳолаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та нашр иши чоп этилган. Улардан 1 та ўқув қўлланма, 2 та мақола SCOPUS халқаро базаси журналида, 12 та илмий мақола, шу жумладан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси (ОАК), 2 таси Россия Федерацияси высшая аттестационная комиссияси томонидан асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган журналларда ва 8 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертация ишининг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 157 бет, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Мактабгача таълим ташкилотларида эрта саводхонлик тушунчасининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда эрта саводхонликнинг бугунги ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилиниб, «эрта саводхонлик» тушунчасининг халқаро тажрибалар билан қиёсий таҳлили ва мактабгача таълим ташкилотларида эрта саводхонлик омиллари кенг ёритилди. Жаҳон амалиётида, ЮНЕСКО га мувофиқ эрта саводхонликни ривожлантириш боланинг туғилганиданок бошланади. Эрта саводхонлик расмий саводхонликдан олдин шаклланади. Эрта саводхонлик соҳасидаги адабиётлар ва замонавий тадқиқотлар таҳлили эрта саводхонлик тушунчаси боланинг ёшига мувофиқ тарзда босма ва ёзма материалларни қўллаган ҳолда аниқлаш, тушуниш, қайта яратиш, яратиш, коммуникация қилиш ва ҳисоблаш кўникмаларига айтилади. Ушбу илмий иш болада эрта саводхонликни «Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмалари» категориясида ривожлантиришда педагогларнинг эътиқодларини ўрганади. МТТдаги болалар ёш сегментини миқдорий таҳлилининг кўрсатишича, 2020 йил 1 январ ҳолатига кўра мактабгача ёшдаги болаларнинг ярмидан кўпининг ёши 3-5 ёшни ташкил этади. Шу муносабат билан айнан шу ёшдаги болалар орасида эрта саводхонликни ривожлантириш методика ва технологияларини ишлаб чиқишга эҳтиёж мавжуд, яъни 3-5 ёшда саводхонлик асосан мактабга тайёрлов гуруҳларидаги жараёндек қабул қилинади. Бугунги кунда кенг тан олинган халқаро амалиётда мактабгача ёшдаги болаларда эрта саводхонликни ривожлантириш 3 йўлда амалга оширилади:

а) эрта саводхонликни ривожлантириш (emergent literacy); ушбу йўл энг замонавий ҳисобланиб, юқорида қайд этилган концептуал тушунчаларни ўз ичида олади;

б) саводхонликка тайёргарлик; Бу йўл энг анъанавий бўлиб, ҳарф, ёзув ва ўқишни расмий ўқитилишини назарда тутлади;

в) икки йўлни мувозанатда ишлатиш. Масалан, Жанубий Кореянинг давлат дастури кўпроқ эрта саводхонликни ривожлантириш йўлига асосланган. Бу айниқса, беш ёшдан кичик болаларга тегишли. Беш ёш эса, кўп мамлакатларда мактаб ёки мактабга тайёрлов даври бошланадиган ёшдир.


Бобда шунингдек, эрта саводхонликни ривожлантириш жараёнида педагогларнинг эътиқод ва амалиётларини баҳолаш устуворлиги асосланган.

Педагогларнинг эътиқоди A.Evrin, L.Foote, J.Smith, B.Hindman, B.Wasik олимлари томонидан ўрганилган². Педагогнинг эътиқоди унинг амалиётига таъсир этувчи факт, билим, тажриба ва ҳақиқатларнинг йиғиндисидир. Айнан юқори маълумотлик, керакли эътиқодга эга педагоглар болада эрта саводхонликни ривожлантириш учун индивидуал ва сифатли имкониятлар таъминлаб бера олади. Болада табиий шароитда ҳарфлар, символлар, китоблар, мулоқот, қайта айтиб бериш, диалог ва хоказоларга қизиқиш уйғотувчи ривожлантирувчи муҳит керак. (Guo, 2012). Педагогларнинг эътиқодлари шундай муҳитни яратишга тўғридан-тўғри таъсир қилади. «Эътиқод» тушунчасига ғарб олимлари томонидан илк бора қуйидагича таъриф берилган: «Эътиқодлар бу биров томонидан ҳақиқат, факт ёки эҳтимол сифатида қабул қилинадиган билим ва ғоялардир». Педагогларнинг эътиқодлари мактабгача ёшдаги болаларда эрта саводхонликни ривожлантириш бўйича фаолиятларини ташкил этишда ва керакли саводхонлик муҳитини яратишда педагог имкониятларини кенгайтириши ёки қисқартириши мумкин. Жаҳон амалиётида мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг эътиқодлари ва амалиётларини ўрганиш учун сўровнома усулларида кенг фойдаланилади. Сўровномалар самараси уларнинг математик натижаси тезкор ва сифатли баҳо бера олишда намоён бўлади. Шундай баҳолаш ва таҳлил натижасида, омиллар тахлилига асосланиб керакли таълим дастурларини ташкил этиш, эрта саводхонликка оид муаммоларни мактабгача таълим ташкилотларининг статистик кўрсаткичлар бўйича ҳолатига қараб аниқлаш мумкин бўлади.

«Мактабгача таълим ташкилотларининг эрта саводхонликни ошириш бўйича эътиқод ва амалиётини баҳолаш технологиясини лойиҳалаш» деб номланган иккинчи бобда, халқаро тажриба асосида эрта саводхонликни ривожлантириш жараёнида педагогларнинг эътиқодларига асосланган эрта саводхонликни ривожлантириш модели тақдим этилган ва асосланган. Халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда, Жанубий Кореянинг таълим тизими тажрибасидан фойдаланиб узлуксизликка асосланган саводхонликнинг 3 босқичли концепцияси шакллантирилган.

Биринчи босқич. Назарий жиҳатдан бу босқични саовдхонликни илк намоёндаси босқичи деб аташ мумкин ва у асосан оиладаги ва уйдаги муҳитга боғлиқ. Иккинчи босқич. Бу босқични биз «эрта саводхонлик» босқичи деб атадик. У асосан МТТдаги педагогга боғлиқ. Учинчи босқич. Расмий саводхонлик шаклланиши босқичи. Бизнинг тадқиқод объекти бўлиб 2-босқич ҳисобланади. Эрта саводхонликни ривожлантиришда педагогнинг компетентлиги асосида унинг эътиқоди призмасидан ўтувчи бир қатор омиллар йиғиндисини ётишини тушунишни таклиф қиламиз (1-расм).

² Evrim A. Gökçe K. Enisa M. Exploring the relationship between teacher beliefs and styles on classroom management in relation to actual teaching practices: a case study, *Procedia - Social and Behavioral Sciences*. vol.1. Issue 1. 2009. P. 612-617. Foote L., Smith, J. and Ellis, F. The impact of teachers' beliefs on the literacy experiences of young children: a New Zealand perspective. *Early Years*. 24:2, 2004. P. 135-147. Hindman A., Wasik B., Head Start teachers' beliefs about language and literacy instruction, *Early Childhood Research Quarterly*, Volume 23, Issue 4, 2008. P. 479-492.



1-расм. Болада эрта саводхонликни педагогнинг эътиқодлари асосида ривожлантириш модели.

Келтирилган «Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмалари» категориясидаги эрта саводхонликни ривожлантириш моделига мувофиқ керакли эътиқодга эга бўлган педагог эрта саводхонликни ривожлантиришга қаратилган ўз амалиётларини ўзгартириши, такомиллаштириши, таҳлил қилиши ва бошқариши мумкин бўлади.

Хусусан, боланинг “Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмалари” категориядаги компетенцияларини ривожлантириш учун педагогнинг амалий фаолияти қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши лозим: болани ҳарфлар билан таништириш, фонологик қобилиятларини ривожлантириш, майда моторикани ривожлантириш, биргаликда ўқишнинг сифати, ушбу категория бўйича боланинг компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган вақтнинг миқдори, боланинг фаолиятини ўйинда саводхонлик тамойили асосида ташкил этиш.

Эрта саводхонликка оид педагогларнинг эътиқодларини баҳолаш мақсадида биз педагогларнинг эътиқодини баҳолаш инструментини яратдик. Бунинг учун биз Норвегияда яратилган педагогларнинг эътиқод ва амалиётларини баҳоловчи халқаро инструментни маҳаллийлаштирдик. Биз томондан маҳаллийлаштирилган сўровномада у 2 бўлинмадан: «Эътиқод» ва «Амалиётлар» иборат. Сўровноманинг структураси қуйидагича:

«Эътиқодлар» бўлими қуйидаги тоифаларни ўз ичига олади:

- Педагогнинг роли (10 та савол);
- Замоनावий тадқиқодларга мувофиқлиги (10 та савол);
- Болалар китоблари ҳақидаги тушунчалар (6 та савол).

«Амалиётлар» бўлими қуйидаги тоифаларни ўз ичига олади:

- Биргаликда ўқиш сифати (15 та савол);
- Вақт миқдори (9 та савол);
- Ёзиш (8 та савол).

Педагогларнинг эътиқодлари ва амалиётларини баҳолаш учун шакллланган воситани амалда синаб кўриш учун педагогларнинг амалиёти ёки эътиқодини ривожлантиришга таъсир қилувчи методологияни ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Болалар адабиёти, мустақил китоб мутоаласи, китоб материали, биргаликда ўқиш асосида ва кўмагида эрта саводхонликни ривожлантириш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Сўровномада ҳар бир бўлимда тегишли ва мавзуга оид саволлар мавжуд. Шу муносабат билан ўқитувчиларнинг эътиқодини баҳолаш воситасини шакллантириш эрта саводхонликни ривожлантиришнинг замонавий инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш ресурсларини яратишда асосий омил бўлади.

«Педагогнинг роли» категорияси:

3-5 ёшли болани ҳарфлар билан таништириш менинг вазифам.

3-5 ёшли болани ёзиш ва ўқиш дарсларига жалб қилиш менинг вазифам.

3-5 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш менинг вазифам.

Ота-оналарни болалар билан эрта саводхонлик ишига жалб қилиш менинг вазифам.

Ўйинлар орқали болаларни ёзиш ва ўқиш дунёсига жалб қилиш менинг вазифам.

Боланинг ёзиш ва ўқишга қизиқишини ривожлантириш менинг вазифам.

Гуруҳда қулай кутубхона яратиш менинг вазифам.

Болани китобдан фойдаланишга ўргатиш менинг вазифам.

Болани китоб тушунчаси (муаллиф, китобнинг келиб чиқиши, расмлари) билан таништириш менинг вазифам.

Болаларни товушга ўргатиш менинг вазифам.

«*Замонавий тушунчаларга мувофиқлик*» категорияси:

Боланинг келажакдаги муваффақияти унинг 3-5 ёшидаги сўз бойлигига боғлиқ.

Боланинг мактабда қандай ўрганиши болалар боғчасида қандай ўқитилиши ва ривожланишига боғлиқ.

Агар бола болалигидан китобдан фойдаланса, келажакда унга ўқишни яхши кўриш осонроқ бўлади.

3-5 ёшли бола ўзи «ўқиш» учун китоб танлаши мумкин.

Бола бўш вақтларида гуруҳда китобдан фойдалана олиши керак.

3-5 ёшли бола учун матннинг ўзидан кўра китобда расмлар керак.

3-5 ёшли болалар фақат эртақ ўқишлари керак (тескари жавоб).

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни 6 ёшдан бошлаб саводхонликка ўргатиш керак (тескари жавоб).

3-5 ёшда саводхонлик ихтиёрийдир.

«*Болалар китоблари концепцияси*» категорияси:

3-5 ёшли бола учун расмлар матндан кўра муҳимроқдир.

3-5 ёшли болалар учун китоблар бошқа жанрда бўлиши керак.

Бола ёшлигиданоқ китобни ўзи "ўқиши" мумкин.

Ёш бола учун китоб ўйинчоқ каби қизиқарли бўлиши керак.

3-5 ёшда бола мустақил равишда китобни «ўқийди».

3-5 ёшда бола кутубхонадан фойдаланиши мумкин.

«*Биргаликда ўқиш сифати*» категорияси

Китобни ўқиётганда мен боланинг барча саволларига жавоб бераман.

Биргаликда ўқиётганда, мен болага мени тўхтатиб, шарҳлашига рухсат бераман.

Мен ўқиётганда, мен болаларга расмларни кўрсатаман.

Китобни ўқиб чиққандан сўнг, мен ўқиганларим ҳақида болалар билан суҳбат қураман ва уларни ўзларининг ҳаётий ҳикояларини айтиб беришга жалб қиламан.

Ўқиш пайтида мен болалардан ҳикоянинг қандай тугашини аниқлашни сўрайман.

Ўқиш пайтида мен болаларга "Ким? Қачон?", "Қаерда?" каби саволларни бераман.

Мен ўқиётганимда боланинг диққатини кузатишга ҳаракат қиламан.

«*Вақт сифати*» категорияси:

Мен ҳар куни болалар билан китоб ўқийман ва муҳокама қиламан.

Мен ўқишга ҳам китобни муҳокама қилишга ҳам кўп вақт ажратаман.


Агар бола китоб ўқишга тақлид қилса, мен уни диққат билан тинглайман ва унга вақт ажратаман.

Ўйинлар давомида мен ҳарфлар билан ўйинлардан фойдаланаман.

Мен болалар билан товушлар ва ҳарфлар ва уларнинг муносабатлари ҳақида суҳбатлашаман.

Мен болаларга баланд овозда ўқийман.

Мен болаларга ҳарфларни ўрганишга ёрдам бераман.



2-расм. Педагогларнинг эътиқодини баҳолаш воситасидан фойдаланган ҳолда "Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмалари" тоифасида эрта саволхонликни ривожлантириш модели.

Ўқиш учун китоб танлашда мен уларда боланинг ҳаётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни тасвирлайдиган китобларни танлайман.

Мен болалардан тинглаган эртақларини айтиб беришларини сўрайман.

Ҳар сафар турли жанрдаги китобларни ўқийман.

Мен болалар билан китоб уйғотадиган туйғулар ҳақида гапираман.

Китоб ўқиётганда қаҳрамонларнинг овозига тақлид қиламан.

Ўқиш пайтида мен тушунарсиз сўзларни тушунтираман.

Мен расмларда объектларни номлайман ва улар ҳақида гапираман.

Китоб ўқиётганда бўғин ва сўз билан ўйнайман (ош-тош, олма-келма).

Мен 3-5 ёшли болалар билан ёзишни машқ қиламан.

«Ёзиш» категорияси:

Мен тушунчаларни ёзиш бўйича суҳбатлар ўтказаман (ўнгдан чапга, юқоридан пастга ва ҳоказо).

Мен болаларга тез-тез бир хил ҳарфлар билан бошланган сўзларни кўрсатаман.

Ўйинлар давомида болаларни ёзиш амалиётига жалб қиламан (масалан, ресторан ўйини - меню яратиш, бозор ўйини – рўйхат ёзиш).

Мен болаларнинг айтганларини ёзаман ва кейин уларга ўз эслатмаларимни ўқийман.

Мен болаларга ўз исмларининг ҳарфларини ёзишга ёрдам бераман.

Мен болалар билан кўп чизаман, турли шакл ва белгиларни чизаман.

Гуруҳда мен болалар кўриши учун атрофдаги барча нарсаларга номлар ёзиб кўяман.

Мен кўпинча болаларни қўлларини ёзиш учун ишлатишни тавсия қиламан (майда моторика маҳорати).

Қуйида педагогларнинг эътиқодлари ва уларнинг амалиётини баҳолаш асосида «Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмалари» категориясида кичик ва ўрта мактабгача ёшдаги болада эрта саводхонликни ривожлантириш модели келтирилган (2-расм).

Ислоҳотлар жараёнида педагогларнинг эътиқодларини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки айнан эътиқодлар педагогларнинг малакаси, педагогик маҳорати, билими ва компетенциясига таъсир қилади. Мустақил таълим олиш муҳимроқ бўлган бугунги кунда ҳар бир педагог маълум бир соҳада ўз эътиқодларини қандай баҳолаш ва таҳлил қилишни билиши керак. Шунда у ўз компетенцияларини мустақил равишда ошириш имкониятига эга бўлади.

Педагоглар эътиқодларининг етакчи илмий тадқиқодларга мос равишда ўзгариши, уларнинг амалиётларини яхшиланишига ёрдам бериши исботланган. (B. Wasik, A. Hindman, 2008) Ушбу моделнинг асосий мақсади педагогларни мустақил таълим олишга, ўз-ўзини таҳлил қилиш, мустақил билим олишга ундашдир. Бундан ташқари, педагог ўз эътиқодини тўғри таҳлил қилиб, баҳолаган ҳолда, ўзининг амалий фаолиятини эрта саводхонликни ривожлантириш категориялари орқали таҳлил қилиб, эрта саводхонликка оид ўз фаолиятини эътиқодларига муносиб тарзда ташкил эта олади.

Диссертациянинг “**Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг эрта саводхонлик соҳасида эътиқод ва амалиётини баҳолаш технологиясини жорий этиш бўйича педагогик эксперимент самарадорлиги**” деб номланган учинчи боби эътиқодни баҳолаш технологиясининг самарадорлигига асосланди ва эрта саводхонликни ривожлантиришда педагогларнинг амалиётлари таҳлил қилинди. Тажрибада жами 948 нафар педагог иштирок этди: Сурхондарё вилоятида – 26 нафар (улардан 3 нафари олий маълумотли); Бухоро вилояти – 542 нафар (шундан 262 нафари олий маълумотли); Наманган вилоятида – 380 нафари (шундан 130 нафари олий маълумотли). Сўров қоғоз ва онлайн шаклида ўтказилди, бунда иштирокчилар ($n = 948$), педагоглар тегишли жавобни белгилашлари керак эди. Барча иштирокчилар аёллар бўлиб, уларнинг атиги 11 фоизи олий маълумотга эга.

Экспериментнинг биринчи аниқлаштирувчи босқичида педагоглар билан интервью олиб борилди, уларнинг амалиётлари билан эмпирик тарзда танишилди. Бунинг учун педагогларнинг эътиқод ва амалиётларини баҳолаш интруктидан фойдаланилди. Сўровномадан фойдаланиш усули тушунтирилди ва жараён оффлайн ва онлайн амалга оширилди. Аниқлаштирувчи босқич якунига кўра сўровноманинг ҳар бир тоифасининг изчиллиги Кронбах альфа ёрдамида баҳоланди. (1-жадвал)

